



ANALYSIS OF THE CONSTITUTIONAL AND LEGAL FOUNDATIONS OF DEFENSE AND SECURITY PROVISION

Sarvar Mingishovich Kholiqov

Doctor of Philosophy in Law (PhD)

Independent researcher at the University of Public Security

Email: sarvar_kholikov@mail.ru

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: defense, security, Constitution, Armed Forces, presidential powers, Defense Doctrine, Security Council.

Received: 01.07.25

Accepted: 02.07.25

Published: 03.07.25

Abstract: This article analyzes the constitutional and legal foundations established for ensuring defense and security in Uzbekistan from the early days of independence. It examines the stages of legislative development, the provisions regarding defense and security in the 1992 and 2023 editions of the Constitution, as well as presidential powers, the Security Council, and norms related to the Armed Forces. Special attention is given to the strategic objectives outlined in the Defense Doctrine and their practical significance.

МУДОФАА ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Сарвар Мингишович Холиқов

мустақил изланувчиси, ю.ф.ф.д (PhD),

Жамоат хавфсизлиги университети

sarvar_kholikov@mail.ru

Ташкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: мудофаа, хавфсизлик, Конституция, Қуrolли Кучлар, Президент ваколатлари, Мудофаа доктринаси, Хавфсизлик кенгаши.

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган илк кунларидан бошлаб мудофаа ва хавфсизликни таъминлаш борасида қабул қилинган конституциявий ва ҳуқуқий асослар таҳлил қилинган. Қонунчиликдаги ривожланиш босқичлари, Конституциянинг 1992 ва 2023 йилги таҳрирларида акс этган мудофаа ва хавфсизлик масалалари, Президент

ваколатлари, Хавфсизлик кенгаши ва Куролли Кучлар билан боғлиқ нормалар чуқур ўрганилган. Мақолада, шунингдек, Мудофаа доктринасида белгиланган стратегик вазифалар ва уларнинг амалдаги аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилган.

АНАЛИЗ КОНСТИТУЦИОННО-ПРАВОВЫХ ОСНОВ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ОБОРОНЫ И БЕЗОПАСНОСТИ

Сарвар Мингишович Холиков

Кандидат юридических наук (PhD)

Независимый исследователь Университета общественной безопасности

sarvar_kholikov@mail.ru

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: оборона, безопасность, Конституция, Вооружённые Силы, полномочия Президента, Оборонная доктрина, Совет Безопасности.

Аннотация: В данной статье проанализированы конституционно-правовые основы обеспечения обороны и безопасности Узбекистана с первых дней обретения независимости. Рассмотрены этапы развития законодательства, вопросы обороны и безопасности в редакциях Конституции 1992 и 2023 годов, полномочия Президента, деятельность Совета Безопасности и нормы, касающиеся Вооружённых Сил. Особое внимание уделено стратегическим задачам, изложенным в Оборонной доктрине, и их практическому значению.

Мустақиллик илк кунлариданок Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилиб келинмоқда. Халқаро муносабатлар таркибидаги ўзгаришлар, мувозанатлар янги тизимининг шаклланиши кескинлик, можароларнинг янги ўчоқлари пайдо бўлиши, экстремизм ва террорчилик турли кўринишларининг фаоллашиши билан бирга кечди. Ёш мустақил давлат сифатида мудофаа қобилияти ва хавфсизликни мустаҳкамлаш масалалари алоҳида аҳамият касб этди. Кун тартибидаги масалани мамлакат мудофаа қудрати ва миллий хавфсизлигини ишончли таъминлаш мақсадида мудофаа ва хавфсизлик масалаларини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга жадал киришилди.

Мустақилликка эришишнинг илк ҳуқуқий пойдевори ҳисобланган, Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1990-йил 20-июнда бўлиб ўтган иккинчи сессиясида қабул қилинган “Мустақиллик декларацияси”нинг 2-бандида “Ўзбекистон ССРнинг давлат ҳудуди чегараси дахлсиз ва бу ҳудуд халқнинг муҳокамасига қўйилмай туриб, ўзгартирилиши мумкин эмас”, шунингдек, унинг 12-бандида “Ушбу Декларация Ўзбекистон ССРнинг янги

Конституциясини ҳамда янги иттифоқ шартномасини ишлаб чиқиш учун асосдир” деб белгиланди.

Республика Президентининг 1991-йил 25-августдаги ПФ-237-сонли Фармонида «Мамлакатда вужудга келган аҳволни эътиборга олиб ва республика манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ИИБ ва ДХХ комитети миллий мудофаа тасарруфига олинди. 1991-йил 31-августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги қонуни 6-моддасига мувофиқ Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш, миллий гвардия ва ноҳарбий (муқобил) хизмат ташкил этиш ҳуқуқи эътироф этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991-йил 6-сентябрдаги ПФ-243-сон Фармони билан мазкур вазирлик тузилди, миллий гвардия таркиб топди.

1991 йилдаги “Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги ва 1992 йилдаги “Мудофаа тўғрисида”ги қонунлари, 1992 йилда қабул қилинган Конституция, 1995 йилда қабул қилинган Ҳарбий доктрина мустақиллик илк йилларида мамлакат мудофаа ва хавфсизлигини таъминлашнинг энг муҳим конституциявий-ҳуқуқий асослари бўлиб хизмат қилди.

Хусусан, 1992 йилда Конституцияга алоҳида 26-боб - “Мудофаа ва хавфсизлик” масаласи киритилди. Унинг 125-моддасида: “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади”, деб белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 52-моддасига биноан, «Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир», деб таъкидланди.

Ҳуқуқшунос олимлардан Д.Миразов ва М.Махсадовларнинг қайд этишича, Конституцияда ҳарбий соҳани тартибга солувчи нормалар акс эттирилган бўлиб, бу фақатгина 152, 153-моддалардагина эмас, балки 64, 71, 109-моддаларда ҳам ўз аксини топган. Бу номаларнинг барчаси мудофаани ташкил қилишга йўналтирилган бўлиб, у Ўзбекистон Республикасини бевосита қуролли ҳимоя қилишга қаратилган тадбирлардан иборат.

Дарҳақиқат, олимлар фикрига қўшилган ҳолда таъкидлаш керакки, 1992 йилда қабул қилинган илк Конституцияда ҳамда 2023 йилда қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституцияда “мудофаа” ибораси уч маротаба ишлатилган бўлса, “хавфсизлик” жумласи бир неча моддаларда келтирилган.

Мудофаа ва хавфсизликни таъминлашнинг конституцион нормалари мазмунан бойитилиб, айрим жузъий масалаларда мутлақо янги нормалар киритилди. Масалан, янги таҳрирдаги Конституцияда мудофаа ва хавфсизлик соҳасида давлат органлари

ваколатларини белгилаб бериш, хавфсизликни таъминлаш зарурати нуқтаи назаридан инсон ҳуқуқларини чеклаш, Президент ҳузурида Хавфсизлик кенгаши фаолиятини йўлга қўйиш бўйича янги нормалар Ўзбекистоннинг ушбу соҳа йўналишидаги ислохотларининг асосий конституциявий-ҳуқуқий негизи бўлиб хизмат қилмоқда. Бинобарин, Конституция 109-моддасида Ўзбекистон Республикаси Президенти фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг, Ўзбекистон Республикаси суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигининг кафили, деб мақоми эътироф қилинди. Президент ҳузурида Хавфсизлик кенгашини тузиш ва унга бошчилик қилиш эса мутлақо янги конституцион норма саналади (109-модда 1-қисм 24-банд).

Янги Конституциянинг 93-моддасида Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда Ўзбекистон Республикаси Президентининг уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш масаласи Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари сифатида мустаҳкамланган. Ҳудди шу маънода унинг 109-моддасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг уруш ҳолати, умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш ва қабул қилган қарорини уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг тасдиғига киритиш ваколати қайд қилинди.

Конституциянинг 152 ва 153-моддаларида эса давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун етарли даражада Қуролли Кучлар тузилиши, Қуролли Кучларни ташкил этиш қонун билан белгиланишига оид муҳим конституциявий нормалар ўз аксини топди. Бу нормалар илгари ҳам мавжуд бўлган бўлсада, бироқ Қуролли Кучлар тўғрисида қонун қабул қилинмаган. Яъни, Қуролли Кучлар фаолияти ҳақидаги масалалар қисман 2018 йил 9 январдаги 458-сон қонун билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси”да ўз ифодасини топган.

Бинобарин, Мудофаа доктринасининг “Ҳарбий-стратегик жиҳатлари” деб номланган қисмида “Қуролли Кучлар, уларнинг асосий вазифалари ва уларни қўллаш асослари”, “Қуролли Кучларнинг аҳолини ва объектларни фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш бўйича ҳаракатлари”, “Мамлакат мудофаасига ва Қуролли Кучларга раҳбарлик қилиш”, “Давлат ҳарбий ташкилотини ривожлантиришнинг асосий вазифалари ва йўналишлари” баён этилган. Унинг 17-бандига кўра, “Қуролли Кучлар давлат ҳарбий ташкилотининг ва мамлакат мудофаа тизимининг негизи бўлиб, ҳарбий можароларни жиловлаш ҳамда

уларнинг олдини олиш, шунингдек давлатнинг ҳарбий хавфсизлигини таъминлаш учун мўлжаллангандир”.

Қуrolли Кучлар таркибига Ўзбекистон Республикаси мудофаа, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Миллий гвардиясининг, Давлат хавфсизлик хизматининг, бошқа вазирликлар ва идораларнинг тегишли бошқарув органлари, қўшинлари, ҳарбий тузилмалари ва муассасалари киради. Хусусан, 2016 йилда Ўзбекистон Республикаси “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни, 2018 йилда “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”, 2020 йил “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”, 2021 йилда “Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги Қонунлар қабул қилинган. Қуrolли Кучлар таркибига кирувчи ҳарбий тузилмаларга раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси мудофаа, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Давлат хавфсизлик хизматининг, Миллий гвардиянинг марказий девонлари, шунингдек бошқа вазирликлар ва идораларнинг бошқарув органлари амалга оширади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2021 йил 1 июнь санасидаги фаолиятига доир ахборотида мудофаа ва хавфсизлик соҳасининг асосий субъектлари сифатида Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Президенти давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлигининг Жазони ижро этиш департаменти, Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари, Мудофаа саноати бўйича давлат қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси келтирилган.

Ушбу вазирликлар, ҳарбий тузилмалар ва идоралар ҳуқуқий мақоми, вазифалари ва фаолиятининг асосий масалалари тегишли қонунчилик билан тартибга солинган. Масалан, Миллий гвардия қўмондонлигининг қайд этишича, 2018 йил 1 июлдан Тошкент шаҳрида "Хавфсиз пойтахт" концепцияси жорий этилгач, масалан Тошкент, Жиззах ва бошқа ҳудудларда жамоат тартибини таъминлаш бўйича Миллий гвардия органлари иштирокида янги тизим йўлга қўйилди. 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизмати ташкил этилди. Ҳозирги вақтда ўз фаолиятини тегишли қонун, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган қарор ва фармонлар асосида олиб бормоқда. Президент давлат хавфсизлик хизматини ташкил этишнинг аҳамияти, аввало, қўриқланувчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш ва хавфсизлигини таъминлашдан иборат бўлиб, бундай хизматлар хорижий мамлакатларда ҳам мавжуд. Масалан, Россияда Президент хавфсизлик хизмати 1991 йилда, Беларуссияда 1994 йилда тузилган бўлса, Қозоғистонда 2014 йилги ислохотлар натижасида ягона идора таркибида шакллантирилди.

Миллий тажрибамизда Қуролли Кучлар тузилмалари фаолияти яхлит қонун шаклида эмас, улар алоҳида қонунчилик тизими билан белгиланган.

Шуниси қизиқки, айрим хорижий тажрибаларда ҳарбий тузилмалар фаолияти алоҳида қонунлар билан белгиланишидан ташқари, Қуролли Кучлар таркиби, тузилмаси ва фаолиятининг умумий масалалари яхлит қонун шаклида ишлаб чиқилган. Масалан, 1991 йил Украинада , 1992 йил Беларусияда, 1996 йил Тожикистонда , 2005 йил Қозоғистонда , 2009 йил Қирғизистонда , 2017 йил Озарбайжон Республикасида Қуролли Кучлар тўғрисида алоҳида қонунлар қабул қилинган.

Масалан, Беларусия Республикасининг “Беларусия Республикасининг Қуролли Кучлари тўғрисида”ги қонуни 1-моддасига кўра “Қуролли Кучлар – давлат суверенитети, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини, ҳарбий хавфсизлигини ва қуролли муҳофазасини таъминлашга қаратилган давлат ҳарбий ташкилотининг таркибий тузилмаси”, деб тарифланган. Мазкур қонун билан Қуролли Кучлар тузилиши, таркиби, фаолият тамойиллари, дислокацияси, бутланиши, шунингдек Қуролли Кучларга раҳбарлик қилиш, уларни бошқариш, ўзаро ҳамкорлик масалалари, Қуролли Кучларни молиялаштириш, ҳарбийлар ижтимоий таъминоти ҳамда қонунийлик ва назоратни таъминлаш каби масалалар умумий тарзда ҳуқуқий тартибга солинган.

Бизнинг фикримизча, юқоридагилардан келиб чиқиб, “Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари тўғрисида” қонун қабул қилиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Умуман олганда, ҳозирги даврда дунё миқёсида хавф-хатарларнинг турлари ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари жуда ҳам кўп ва мураккаб тусга эга. Бу эса ўз-ўзидан миллий хавфсизлигимизни таъминлашга оид конституциявий-ҳуқуқий ҳужжатларимизни турли эҳтимолий таҳдидларга жавоб берадиган механизмларни назарда тутган ҳолда тайёрлашни талаб этиб, зарур вазифаларни бажаришни келтириб чиқармоқда. Масалан, мамлакатимизда хавфсизликни таъминлашга доир асосий ҳужжат сифатида 1997 йилда Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепцияси қабул қилинган . Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон Фармони билан тасдиқланган 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепциясини тайёрлаш назарда тутилган бўлса-да, бироқ бугунги кунга қадар ушбу Концепция қабул қилингани йўқ.

С.Сафоевнинг фикрича, янги концепцияда мамлакатдаги вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган ташқи ва ички таҳдидларга жавоб бериш бўйича янгича

ёндашувлар ҳамда хавфсизликни таъминлаш ва ҳарбий қурилишнинг бошқа йўналишлари ҳам тубдан қайта кўриб чиқилади .

Бизнинг фикримизча, ушбу концепцияни тайёрлашда муҳофаа ва хавфсизликни таъминлашга оид янги конституцион норма ва талабларни тўлиқ инобатга олиб ишлаб чиқилиши лозим. Чунки, бу нормалар мақсад ва вазифаларига кўра, Президент, давлат ҳокимияти вакиллик (парламент) ва ижроия органларининг янги ваколатларини белгилашга қаратилди, давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиш масалаларини тартибга солишга (18-модда) оид бўлди, хавфсизлик нуқтаи назаридан ижтимоий-сиёсий тадбирларни ўтказишни чеклаш мумкинлигини назарда тутмоқда (38-модда), суверенитет ва хавфсизликка таҳдид солиши мумкин бўлган жамоат бирлашмалари тузилишини тақиқлаш мумкинлигини белгилади (71-модда), хавфсизлик ва ҳудудий яхлитликни муҳофаза этишни ҳуқуқий таъминлашга қаратилган бошқа кўплаб нормаларни ўзида акс эттирди.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, янги Конституцияда “хавфсизлик” атамаси бир неча марта қўлланилишига қарамай, Асосий қонуннинг деярли барча моддалари бевосита ёки билвосита давлат, жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ. Мамлакатимиз Асосий қонуни миллий хавфсизликни ҳуқуқий таъминлашнинг асосий муаммоларини ҳал қилади, яъни фуқаролар хавфсизлиги, жамоат хавфсизлиги, давлат хавфсизлигини таъминлайди ва кафоотлайди. Унинг 18-моддасида давлат ва ҳалқ манфаатлари хавфсизлиги тўғрисида, 21, 33, 38-моддаларида жамоат хавфсизлиги тўғрисида, 42, 44-моддаларида меҳнат хавфсизлиги, 71, 103, 109-моддаларида давлат хавфсизлиги, 95-моддасида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тақлиф этилган Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раиси лавозимига номзод юзасидан маслаҳатлашувлар ўтказиш, лавозимга тайинлаш ва озод қилиш тўғрисида, 115-моддасида озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисидаги масалалар ҳақида атрофлича қоидалар белгилаб ўтилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, 1934 йилдан 1992 йилгача назария ва амалиётда фақат «давлат хавфсизлиги» тушунчаси қўлланилган. У ҳамма нарсани хусусан, иқтисодий, сиёсий, ҳарбий (муҳофаа) ва бошқа ҳар қандай манфаатларни таъминлашни ўз ичига олган. Ушбу даврда фаолият юритган олимларнинг фикрича, бу мантиқий фикр бўлиб, унга кўра давлат манфаатларини ҳимоя қилиш деганда ўз-ўзидан улар фуқаролар ва бутун жамият манфаатларини ҳимоя қилишлик тушунилган.

Эндиликда жамоат хавфсизлиги ва уни таъминлашни Конституцияда алоҳида масала сифатида қараш мумкин. Конституция моддаларида бу масалалага жиддий эътибор қаратилган.

Жамоат тартибини тушунчасининг моҳияти ва мазмунини тушуниш замонавий маъмурий-ҳуқуқий фаннинг ўта муҳим вазифаси бўлиб, бу атаманинг таърифига ягона ёндашувнинг йўқлиги ва қонун ҳужжатларида, илмий ишларда, қонун ҳужжатларида, оммавий ахборот воситалари ва жамоат ҳаётида кенг қўлланилиши билан асосланади. Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги концепциясида берилган тарифга кўра “жамоат ҳавфсизлиги — жамиятнинг қонунга хилоф тажовузлар, ижтимоий ва миллатлараро низолар, ғавқулодда вазиятлар ва бошқа таҳдидлардан (кейинги ўринларда — таҳдидлар) ҳимояланганлик ҳолати бўлиб, у жамиятнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади ҳамда инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишини таъминлайди” .

Ю.Е.Аврутин жамоат тартибини ижтимоий фан категорияси сифатида кўриб, одамлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларнинг биологик аниқланмаган регуляторлари ёрдамида тартибга солиш, яъни у жамиятнинг синоними сифатида жамият қачон ва қайерда вужудга келишини, бу одамларнинг биргаликдаги ҳаётининг ташкилий шакли бўлганлигини, унинг мазмун-моҳиятини ўрганишдан иборат эканлигини кўрсатади .

М.Х.Рустамбаев жамоат ҳавфсизлигини “жамият ҳаётининг ҳавфсиз шароитларидир, яъни фуқароларнинг дахлсизлиги, ҳаёти ва соғлиғини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкӣ манфаатлари, ҳар қандай давлат ва жамоат тузилмаларининг нормал фаолияти ва ҳоказоларни таъминловчи ижтимоий муносабатлардир” деб таърифлайди.

Шуни таъкидлаш керакки, жамоат тартибининг мазмунини тушунишда жамоат муносабатлари иштирокчиларининг ҳолатини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Республика Президенти Ш.М.Мирзиёев фикрлари эътиборга лойиқдир, яъни “Жамоат тартибини сақлаш, авваламбор, вояга етмаган ва ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойатчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмаларнинг бузғунчи таҳдидларни барвақт аниқлаш бўйича яқдил ҳаракатларни, уларни ҳамкорликда ва сифатли бартараф этилишини таъминлаш...” – деб таъкидлаган.

Конституциянинг кўпгина моддаларида “ҳавфсизлик” атамасидан ташқари, маъно жиҳатидан ўхшаш тушунчалар ва иборалар жуда кўп маротаба қўлланилади. Масалан, мудофаани таъминлаш, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, ғавқулодда ҳолат, ҳарбий ҳолат, уруш ва тинчлик масалалари, офатларга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат суверенитетини ҳимоя қилиш чоралари, давлат чегарасини ҳимоя қилиш тушунчалари шулар жумласидандир.

Бинобарин, Конституциянинг 21-моддасида: “Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари фақат қонунга мувофиқ ва фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини,

ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш мақсадида зарур бўлган доирада чекланиши мумкин” деб белгиланган. Конституциянинг 33-моддасида ахборот олиш ва йиғиш эркинлиги эътироф қилинган бўлиши билан бирга “Ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади” деб ўрнатилди. Албатта, бу бежиздан эмас. Зеро, ахборот эркинлиги асрида киберхавфсизлик масалалари янада долзарб тус олмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Конституциянинг асосий янгиликларидан бири, бу унинг 103-моддаси ҳисобланади. Яъни, унга кўра “Мамлакатнинг хавфсизлиги, барқарор ривожланиши асосларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига, жамият ва давлат манфаатларига таҳдид соладиган фактлар ва воқеаларни ўрганиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма қарори билан парламент текшируви ўтказилиши мумкин”. Бу Ўзбекистон Республикасининг «Парламент назорати тўғрисида»ги Қонуни 18-моддасида мустаҳкамланган .

Р.Ҳакимов мамлакатимизда парламент назоратининг йўналишлари ҳақида сўз юритиб, уларни инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиниши устидан назорат; мудофаа ва хавфсизлик соҳасидаги назорат; Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижросини назорат қилиш; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини шакллантириш соҳасидаги ҳамда уларнинг фаолияти билан боғлиқ назорат; ташқи сиёсий фаолият соҳасидаги назорат каби йўналишларга ажратган .

Ўз-ўзидан бир қатор олимлар томонидан парламентнинг назорат функцияси ижтимоий муносабатлардан келиб чиқиб, бир қатор йўналишларга ажратилади. Фикримизча, парламент назорат функциясининг самарали ишлаши нуқтаи назаридан хавфсизлик билан боғлиқ тизим яратилиши, соҳадаги меъёрий ҳужжатлар қайта кўриб чиқилиши лозим. Умуман олганда, бу соҳадаги хавфсизлик тизимини бозор иқтисодиёти қонуниятларига мувофиқлаштириш, ички ва ташқи сиёсатнинг устувор йўналишига айланиши муҳим аҳамиятга эга.

Хавфсизлик соҳасида парламент назорати тушунчаси, унинг мазмуни, вазифалари, амалга ошириш шакллари ва механизмлари маҳаллий ва хорижий ҳуқуқшунослар ва сиёсатшунослар томонидан яхши ўрганилган. Шу билан бирга, деярли барча тадқиқотчилар

вакиллик ҳукуматининг миллий хавфсизлик соҳасидаги функцияси ва фаолият шаклини ҳукуқий тартибга солиш ва амалда амалга оширишнинг алоҳида аҳамияти, ўзига хослиги ва номувофиқлигини таъкидлайдилар.

В.И. Васильева, А.В. Павлушкина ва А.Е. Постникованинг фикрига кўра, етарли даражадаги назорат ваколатларининг мавжудлиги қонунчилик органининг обрўсини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Мазкур қарашларга қўшилган ҳолда, парламентнинг назорат функцияси ўзининг объектлари (давлат органлари ва муассасалари)га бевосита таъсир этиш ваколатини бериб, қонунчилик органи томонидан қабул қилинган норматив-ҳукуқий ҳужжатлар ижросини талаб қилиш ваколатини, ижро этилмаган тақдирда эса тегишли таъсир чорасини қўллаш имкониятини беради.

А.Х.Саидовнинг фикрига кўра, давлат ҳокимияти органлари тизимида қонун чиқарувчи ҳокимиятининг устуворлиги парламент назорат функциясининг муҳим манбаси бўлиб ҳисобланади.

Ҳар бир мамлакат Конституциясида парламентнинг мудофаа ва хавфсизлик соҳасидаги вазифа ва функциялари белгилаб берилган. Бу функциялар хавфсизлик ва мудофаа масалалари устидан шаффофлик ва қонунийлик тамойилларини йўналтириш билан бирга давлат органларининг ваколатларини муайян маънода назорат қилади. Масалан, “Ўзбекистон Республикаси давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги қонунинг 18-моддасида Давлат хавфсизлик хизматининг бўйсунуши ва ҳисобдорлиги белгиланган. Унга кўра, Давлат хавфсизлик хизмати бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунди ва унга ҳисобдордир. Шунингдек, Давлат хавфсизлик хизмати Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасини ўз фаолиятининг асосий йўналишлари юзасидан мунтазам равишда хабардор қилади.

Бугунги кундаги демократик ислохотлар парламентнинг давлат сиёсий ҳаётида тутган ўрнини янада мустаҳкамлаш ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида унинг аҳамиятини оширишга қаратилган. Шу сабабли ҳам парламентнинг давлат сиёсий ҳаётидаги мавқеи ва таъсирини, ҳокимиятлар бўлиниши тизимида тутган ўрнини ўрганиб, таҳлил этиш муҳим.

Республика Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, «Ҳозирги кунда – Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида олдимизда ўта долзарб ва мураккаб вазифалар турибди. Уларни муваффақиятли ҳал этиш учун аввало қонун ижодкорлиги соҳасида ишни бутунлай янгича ташкил этишимиз керак».

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидагича хулосаларга келиш мумкин:

биринчидан, Асосий Қонун - Ўзбекистон Конституциясининг 27-бобига мудофаа ва хавфсизликни таъминлаш бўйича принциплал аҳамиятли моддалар киритилиб, давлатимиз суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя

қилиш мақсадида Қуролли Кучлар ташкил этилиши ва қонуна тузилиши қатъий белгилаб олинди. Аввало, мудофаа ва ҳарбий соҳада янгиланиш жараёнларининг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди. Жумладан, “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги, “Мудофаа тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида”ги, “Мудофаа доктринаси тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши, ҳарбий соҳада юзлаб қарор ва фомонларнинг чиқарилиши мамлакат хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлаш баробарида Ватан ҳимоячиларининг ижтимоий ҳимоясига қаратилган барча чора-тадбирларнинг ҳуқуқий негизи сифатида, айниқса катта аҳамият касб этди;

иккинчидан, янги Конституцияда қўлланиладиган «хавфсизлик» атамаси кенг маънода нафақат давлат, балки шахс ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган миллий хавфсизлик тизими сифатида тушунилиши керак;

учинчидан, Конституциянинг 152-моддаси 2-қисмида “Қуролли Кучларнинг тузилиши ва уларни ташкил этиш қонун билан белгиланади” мазмундаги қоидадан келиб чиқиб, хорижий тажрибага биноан “Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари тўғрисида” қонунини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш таклиф этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси”, 1993 йил, 1-сон, 4-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 30 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий доктринаси тўғрисида”ги 105-I-сонли Қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 180-модда.
3. Конституциявий ҳуқуқ. Дарслик. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: ЖХУ нашриёти, 2024 йил. – 647 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа доктринаси”. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги 458-сонли Қонуни билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2018 йил, 2-сон, 23-модда.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 майдаги «Тошкент вилоятида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари куч ва воситаларини бошқаришнинг сифат жиҳатдан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги ПҚ-4343-сон қарори.
6. Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 20 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биринчи йиғилишидаги нутқи.
<http://parliament.gov.uz/uz/events/other/29869/>

7. Джураев Р.М. Миллий гвардиянинг жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича вазифаларини замонавий талаблар асосида амалга ошириш. - Т.: Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий-техник институти ахборотномаси, 2020 йил, 1-сон. – Б.5;
8. Мамаюсупов С.Д. Жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг маънавий-ахлоқий хусусиятлари. - Т.: Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий-техник институти ахборотномаси, 2020 йил, 1-сон. – Б.8;
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июндаги «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3786-сон қарори.
10. Закон Украины от 6 декабря 1991 года № 1934-XII «О Вооруженных Силах Украины» // <https://online.zakon.kz/Document/doc.id=30457523>
11. Закон Республики Таджикистан "О вооруженных силах Республики Таджикистан". [https:// www.adliya.tj](https://www.adliya.tj)
12. Закон Республики Казахстан “Об обороне и Вооруженных Силах Республики Казахстан” [https:// www.akorda.kz](https://www.akorda.kz)
13. Закон Кыргызской Республики от 24 июля 2009 года № 242 «Об обороне и Вооруженных Силах Кыргызской Республики». <https://www.cbd.minjust.gov.kg>
14. Закон Азербайджанской Республики от 29 декабря 2017 года № 955-VQ “О Вооруженных Силах Азербайджанской Республики”. <https://www.vesti.az>
15. Закон Республики Беларусь № 1904-XII. Закон Республики Беларусь от 3 ноября 1992 г. №1904-XII «О Вооруженных Силах Республики Беларусь. <https://www.etalonline.by>
16. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-сон, 295-модда.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.05.2021 й., 06/21/6217/0409-сон.
18. Миллий хавфсизлик концепциясининг янги таҳрири тайёрланмоқда. <https://www.gazeta.uz/uz/xavfsizlik/>
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27 сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz

20. Аврутин Ю.Е. К вопросу об административно-правовом режиме обеспечения общественного порядка // Административное право и процесс. 2013. № 7. - С.32.
21. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм 3-том. 324 в.
22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-3528-сонли Қарори. – Б.2. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.02.2018 й., 07/18/3528/0698-сон.
23. Ўзбекистон Республикасининг “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.
24. Хакимов Р.Р. Давлат ҳокимияти тизимида парламент: назария ва амалиёт муаммолари: юрид.фан. номзоди дисс. – Тошкент, 2009 йил. - Б. 124.
25. Васильев В.И., Павлушкин А.В., Постников А.Е. Законодательные органы субъектов Российской Федерации: Правовые вопросы формирования, компетенции и организации работы. - Москва, 2001. - С. 101.
26. Саидов А.Х. Парламент назорати назариясининг долзарб муаммолари. // Фалсафа ва ҳуқуқ. 2006. - №2. -Б.6-9.
27. “Ўзбекистон Республикаси давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги қонунинг//Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон// <https://lex.uz/docs/361093527>. 27.
28. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 июндаги «Жиззах вилоятида жамоат тартибини сақлашни, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ва жиноятчиликка қарши курашни самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 450-сон қарори.